

Биз билмайдиган тўрт афзаллик



17:06 / 13.06.2017 4702

Закотнинг афзаллиги мусулмонларга эътиқоднинг беш устунларидан бири сифатида фарз қилиб берилганлигидир. Бу жамият ичра иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тўкин-сочинликка олиб борувчи самарали тизимдир. Лекин биз закот тўлаётганимизда унинг асл моҳиятини англаймизми? Намоз, рўза ҳамда ҳаж каби ибодатлардек закотни ҳам ибодат деб қабул қиламизми? Биз закотни ибодат сифатида кўрмай, унга шунчаки пул тўлаш маросимидек қараймиз. Унинг манфаатли жиҳатларини унутиб қўямиз.

Закот закот берувчининг фойдаси учундир. Биз эса уни фақат бошқаларга манфаат келтиради деб ҳисоблаймиз. Аллоҳ таоло закот тўлаш орқали эришиладиган маънавий поклик ва юксалиш ҳақида шундай марҳамат қилади:

«Молларидан садақа ол. Бу билан уларни поклайсан, тозалайсан. Уларнинг ҳаққига дуо қил. Албатта, дуоинг улар учун таскиндир. Аллоҳ ўта эшитувчидир, ўта билувчидир» (Тавба сураси, 103-оят).

Закот қалб касалликларидан – бахиллик ва зиқналик, пулга ҳирс қўйишдан асрайди. Закот тўлаётган вақтда бахиллик қилмасдан, бу амални фақат Аллоҳ таоло учун амалга ошириш ва бу иш учун ажрлар умид қилиш керак. Закот бандани қалб касалликларидан асрайди, барча мол-мулкни Аллоҳ таоло ато этганини ҳис қилишига сабаб бўлади.

Закот мискинларнинг ҳаққидир. Закот тўлаш орқали сиз хизмат кўрсатмайсиз, ёки хайр-саховат қилаётган бўлмайсиз, балки муҳтожларнинг ҳаққини бажараётган бўласиз. Қуръони Каримда: **«Уларнинг мол-мулкларида маълум ҳақ бордир. Сўровчи ва бечоралар учундир»** (Маориж сураси, 24–25 - оятлар), деб айтилган.

Закотни қариндошларга ва дўстларга берса бўлади. Закотнинг биз унутиб қўядиган яна бир афзаллиги, унинг муҳтож бўлган қариндошларга берилиши мумкинлигидир. Закотни қариндошга бераётиб, банда бир вақтнинг ўзида икки савоб иш қилади. Биринчиси, закот бераётгани, яъни фарз амални бажараётгани. Иккинчиси, силаи раҳм қилаётгани. Шунини ёдда тутиш керакки, бу ҳолатда қариндош закот берилиши мумкин бўлган кимсалар қаторида бўлиши ва закот берувчининг бевосита аждодлари (отаси, бобоси ва бошқалар) ва бевосита авлодлари (ўғли, набираси ва бошқалар) бўлмаслиги керак.

Абдулатиф Иргашев таржимаси